




СУГУРТА БОЗОРИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИННОВАЦИЯЛАР

Баратова Динора Алишеровна

Тошкент давлат иқтисодий университетини "Сугурта иши" кафедраси доценти

email: gulzoda20@mail.ru

ARTICLE INFORMATION	ABSTRACT
Volume: 2 Issue: 1 DOI: https://doi.org/10.55439/INS/vol1_iss12/236	Ушбу мақола замонавий сугурта бозорида бўлаётган ўзгаришлар ва унинг асосий кўрсаткичлари ҳақида маълумот берилган. Маълумотлар сугурта бозорининг асосий кўрсаткичлари, сугурта бозорида жадал ривожланиб бораётган замонавий тенденциялар ва инновациялар ва бошқа масалалар бўйича мисоллар келтирилган. <i>Сугурта бозори, киберсугурта, киберхавфсизлик, мобил иловалар, сугурта компаниялари, сугурта тўловлари, сугурта мукофоти, сугурта бозори крсаткичлари, блокчейн технологияси.</i>
KEYWORDS	

Кириш (Введение /Introduction)

Ҳар бир жамиятда унинг ривожига бевосита салбий таъсир этадиган техноген, табиий, ёнгин ва бошқа офатлар натижасида юзага келадиган салбий оқибатлар ва уни бартараф этишга қаратиладиган харажатларни бошқариш керак ва зурурдир. Бунда жамият иштирокчиларининг риск менежмент ва сугурта маданияти ривожланганлик даражаси ушбу юзага келиши мумкин бўлган харажатларни қоплаш, минималлаштириш, тегишли захиралар ва уни бошқариш чамбарчас боғлиқдир. [1]

Республикада молия бозорини янада ривожлантириш, аҳолини сифатли молиявий хизматлар билан қамраб олиш кўламини кенгайтириш, сугурта ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ушбу соҳада истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари изчил амалга оширилмоқда. Шу билан бирга ислохотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашга, аҳоли ҳаётининг сифати ва даражасини оширишга йўналтирилган молиявий хизматларни фаол ривожлантириш республикада сугурта бозорининг ролини кучайтиришни ва сугурта воситаларини кенг қўллашни тақозо этмоқда. [2]

Адабиётлар таҳлили. (Обзор литературы/Literature review).

Мавзу бўйича тадқиқод олиб борган олимлар томонидан турли мақола, рисоаларда турлича фикрлар келтириб ўтилган. Ж. Рўзибаевнинг "Ўзбекистон республикаси сугурта бозорининг замонавий тенденциялари ва такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари" мақоласида ҳозирги кунда сугурта бозорида мавжуд муаммоларга замонавий тенденциялар, ўзгаришлар сабаб бўлаётгани бўйича фикрлар келтирилган. [3]

Б. Мирзаевнинг "Сугурта бозорини ривожланишда таъсир этувчи омиллар" деб аталган мақоласида "Сугурта бозорининг тараққий этиши нафақат сугурта фаолиятдан фойда олишга қаратилади. Сугурта бозоридан келадиган наф - бу мамлакат иқтисодий тараққиётига дадла бериш: турли инвестицион ва тижорий рискларни "қоплаш", шу орқали тадбиркорларда маълум ишонч ҳосил қилишга қаратилади, ва шунингдек аҳолининг турли ижтимоий хатарлардан ҳимоя қилади." каби маълумотларни келтирган.

Таҳлил ва натижалар (Анализ и результаты. Analysis and results).

Сугурта соҳасида замонавий тенденциялар ва инновациялар жадал ривожланмоқда, бу эса компаниялар ва мутахассислар учун янги имкониятлар ва стратегияларни очиб беради. Қуйида сугурта соҳасидаги энг муҳим замонавий тенденциялар ва инновациялар асосий жиҳатлар қуйдагилардан иборат ҳақида маълумот келтириб ўтамыз:

1. Рақамлаштириш ва сунъий интеллект (AI) Сунъий интеллект (AI): AI сугурта соҳасида маълумотларни тез таҳлил қилиш ва тавakkалчилиқни аниқлашда фойдаланилмоқда. AI ёрдамида сугурта компаниялари мижозларга шахсий таклифлар тақдим эта олади, талабномаларни автоматлаштириш ва хатарларни баҳолашда самарадорликни оширади.

- Автоматлаштирилган жараёнлар: Автоматлаштириш технологиялари сугурта полисларини яратиш, мижозларга хизмат кўрсатиш ва талабномаларни қайта ишлаш жараёнларини энгиллаштиради. Бу сугурта компаниялари учун вақтни тежаш ва иш жараёнларини оптималлаштириш имконини беради. [4]

2. Киберсугурта ва киберхавфсизлик- Киберсугурта: Киберхужумлар ва маълумотлар ўғирланиши хавфлари ортиб бораётгани сабабли, киберсугурта маҳсулотлари жадал ривожланмоқда. Бу сугурта тури бизнеслар ва шахсларга киберхужумлардан ҳимояланиш учун қўмаклашади.

Киберхавфсизлик чоралари: Сугурта компаниялари ўз маълумотларини ҳимоя қилиш ва мижозлар маълумотларининг махфийлигини сақлаш учун киберхавфсизликни кучайтирмоқдалар. Бу борада замонавий дастурий таъминот ва хавфсизлик тизимларини жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга.

3. Телематика ва IOT (Интернет нарсалари) технологиялари

- Телематика сугуртаси: Айниқса, автосугуртада телематика воситалари орқали маълумотларни йиғиш тенденцияси ортиб бормоқда. Масалан, ҳайдовчи хатти-ҳаракати асосан сугурта полиси нарҳини белгилаш ёки энгиллаштириш мумкин.

- Интернет нарсалари (IoT): IoT технологиялари уй, соғлиқни сақлаш ва бошқа сугурта турларида хавфларни аниқлаш ва олдини олишда фойдаланилмоқда. Масалан, IoT қурилмалари ёрдамида уйни ёнгин ёки сув тошқинидан ҳимоя қилиш ёки соғлиқ мониторинг қилиш мумкин. [5]

4. Блокчейн технологияси- Блокчейн: Блокчейн технологияси сугурта соҳасида маълумотларнинг шаффофлигини таъминлаш, талабномаларни тезроқ ва хавфсизроқ қайта ишлаш учун жорий

килинмокда. Блокчейн талабномалар жараёнидаги воситачилар сонини қисқартириши ва фирибгарлик хавфини камайитириши мумкин.

5. Персонализация ва мижозларга йўналганлик-Персоналлаштирилган хизматлар: Мижозлар талабларига мувофиқ шахсий таклифлар ва суғурта полислари яратиш суғурта компаниялари ўртасидаги асосий рақобат омилига айланмокда. Бу жараёнда сунъий интеллект ва катта маълумотлар таҳлили муҳим рол ўйнайди.

- Мижоз тажрибасини яхшилаш: Мижозлар билан алоқаларни кучайтириш ва уларнинг эҳтиёжларига жавоб бериш суғурта компаниялари учун муҳим вазифа ҳисобланади. Рақамли платформа ва мобил иловалар орқали мижозларга хизмат кўрсатиш анча самарали бўлади.[6]

6. Барқарор ривожланиш ва “яшил” суғурта - Экологик жиҳатдан масъулиятли суғурта: Барқарор ривожланишга ёрдам берувчи суғурта маҳсулотлари, масалан, қайта тикланадиган энергия манбаларини қўллаб-қувватлаш ёки экологик хавфларни камайитиришга ёрдам берадиган суғурта турлари жадал ривожланмокда.

- “Яшил” суғурта маҳсулотлари: Табиатга зарар етказиш хавфларини камайитирувчи маҳсулотлар яратиш ва эко-лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш йўлида “яшил” суғуртага кизиқиш ортиб бормокда. . [7]

Хулоса (Заключение. Conclusion).

Суғурта соҳасидаги замонавий тенденциялар ва инновациялар ушбу соҳадаги иш жараёнларини оптималлаштириш, мижозлар билан алоқаларни яхшилаш ва янги бозор талабларига жавоб бериш имкониятини яратади. Бугунги кундаги асосий мақсад — технология ва инсон ресурсларини бирлаштириш орқали суғурта соҳасидаги тажрибани янада самарали ва мижозларга йўналтирилган қилиб яратишдир. [8]

Суғурта бозорининг таракқий этиши нафақат суғурта фаолиятдан фойда олишга қаратилади. Суғурта бозоридан келадиган наф - бу мамлакат иқтисодий таракқиётига далда бериш: турли инвестицион ва тижорий рискларни “қоплаш”, шу орқали

тадбиркорларда маълум ишонч ҳосил қилишга қаратилади, ва шунингдек аҳолининг турли ижтимоий хатарлардан ҳимоя қилади. Олиб борилган таҳлилларимизга кўра ҳудудий суғурта бозорини ривожлантириш Эркин иқтисодий зоналар жойлашган, ишлаб чиқариши ривожланаётган, саноат ривожланаётган ҳудудларда эҳтиёжлар катта бўлиб, ҳудудларда яъни Фарғона, Навоий, Самарқанд, Жиззах вилоятларида, суғурта компанияларини (ёки уларнинг бўлинмаларини) очиш имконияти мавжуд. . [9]

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш асосий вазифалардан бири бўлиб белгиланиб, уни ривожл Ҳўбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томони Ҳдан тузилган. лантиришда ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигини ошириш алоҳида аҳамиятга эгадир. Ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигини оширишда ва ҳудудларда суғурта бозорини ривожлантиришда куйидаги таклифларни амалга ошириш ижобий натижа беради: – ҳудудий суғурта бозорини ривожлантиришда ҳудудларда инновацион суғурта хизматларини жорий этиш; – ҳудудларда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштиришда суғурта хизматлари кўламини кенгайтириш; – ҳудудлар иқтисодий потенциални кенгайтириш мақсадида суғурта компанияси ташкил этиш, ва ҳудуд имкониятларни баҳолаш; – ҳудудий инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда рискларни суғурталаш, ходимларни тиббий суғурталаш, бахтсиз ҳодисадан суғурталаш каби суғурта хизматларини таклиф этиш мақсадга мувофиқдир. Суғурта ташкилотларининг активларини жойлаштиришга қўйилган талабларга эътибор берсак, кредит уюшмаларининг депозитларига суғурта ташкилотларининг устав капиталини 10% миқдоригача жойлаштириш мумкинлиги меъёрлаштирилган. . [10]

Аммо, ҳозирги вақтда кредит уюшмалари қўйилган депозитларга банк муассасаларига нисбатан катта миқдордаги фоиз тўланади. Шу сабабли, жойлаштирилувчи активларнинг даромадлилик даражасини ошириш мақсадида кредит уюшмаларига қўйилувчи депозит миқдорини чегарасини қайта кўриб чиқиш керак деб ҳисоблаймиз

References:

1. Плетухов Ю.А. Страхование: Учебное пособие. М: ИНФРА-М, 2010. с.312
2. Алиев Б.Х., Махидова Ю.М. Страхование. Учебник. Москва, «ЮНИТИ», 2011, с. 415
3. Радченко В.И. Об актуарных расчетах в перестраховании // Финансы. -2011, №2.
4. Нор-Ареван О. Социальное страхование. Учебник для вузов- М.: Дашков и К., 2011
5. Эрмасов С.В Страхование.. Учебник для вузов – М.:Юрайт.,2011
6. Под редакцией Л.А.Орланюк-Малитской Страхование. -М.: -Юрайт,2011
7. Никулина Н.Н. Страховой менеджмент.-ЮНИТИ,2011
8. Хўжаев Й. Ташки иқтисодий фаолиятда суғурта. Ўқув қўлланма.-Т.:Солиқ академияси, 2005.
9. Шеннаев Х.М., Ўзбекистон суғурта бозори. Ўқув қўлланма. Т.,2013й.
10. Георге. Э.Режда, Мичаэл.Ж. McNamara 2017 Принциплес оф Риск Манагемент анд Инсурансе, ИСБН 978-0-13-408257-8. ПEARSON Эдусатион Лимитед 2017..